Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 10 YANVAR ◆ PAYSHANBA ◆ №5 (26.864)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 10 YIL» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 25 декабрь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2001 ЙИЛ 25 ДЕКАБРДАГИ ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА**

## «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 10 YIL» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларини мустаҳкамлашга, давлатнинг мудофаа қудратини ҳар томонлама оширишга ҳисса қўшган шахслар, ўзининг юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, мамлакатнинг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун бўлган жанговар ҳаракатларда иштирок этган ва захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёхуд яраланган ва шикастланган ҳарбий хизматчилар тақдирланадилар.

2. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг буйруқлари асосида амалга оширилади.

3. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони номидан бригада командирлари ҳамда уларга тенглаштирилган ва юқори турувчи мансабдор шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

5. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони шахснинг вафотидан кейин унинг оиласида тегишли гувоҳнома билан бирга эсдалик сифатида сақлаш учун қолдирилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2001 ЙИЛ 25 ДЕКАБРДАГИ ФАРМОНИГА 2-ИЛОВА**

## «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 10 YIL» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТАВСИФИ



«O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томонида саккиз қиррали юлдуз фонида кесишаётган қиличлар билан қалқон акс эттирилган. Қалқонда ярим ой ва юлдузча тасвирланган. Қалқоннинг қуйи қисмида ҳилпираб турган лентага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигини ва юбилей санасини билдирувчи 1992-2002 рақамлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг доираси бўйлаб «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» ёзуви мавжуд.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қаварикдир.

Эсдалик нишонининг қирралари ҳошияланган.

Эсдалик нишони эни 24 миллиметрли ҳаво ранг шойи муҳайяр тасма билан қопланган беш қиррали колодкага ҳалқача ёрдамида туташтирилади. Тасма эни 2 миллиметрли сариқ рангдаги йўллар билан ҳошияланган. Тасманинг ўртасидан бирбири эни 2 миллиметрли сариқ йўл билан ажралиб турадиган эни 3 миллиметрли иккита яшил рангли йўллар ўтган.

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 январь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игор Ивановни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, мазкур учрашув бутун дунёда вазият кескин ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда минтақамиздаги жараёнларнинг ривожини муҳокама қилиш учун қулай имконият яратганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия бир-бирини стратегик ҳамкор ҳисоблайдиган давлатлардир. Президент Ислом Каримовнинг ўтган йилнинг май ойида Россияга буюрган давлат ташрифидан сўнг ўзаро муносабатларимиз янгича мазмун касб эта бошлади. Мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда халқаро терроррчиликка, экстремизм ва наркотиклар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашни кучайтирмоқда. Мазкур иллатларга қарши Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида курашиш борасида ҳам минтақавий ҳамкорлик фаоллик билан ривожланмоқда.

Ўзбекистон билан Россиянинг ҳамкорлиги иқтисодий соҳада ҳам кенгайиб боряпти. 2001 йилнинг январь-ноябрь ойларида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 15 фоиз ўсиб, 1 миллиард 28,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Айни пайтда томонлар бу кўрсаткич миқдорини ошириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, шунингдек, икки мамлакатнинг авиасозлик корхоналари қувватидан шериклик асосида кенг фойдаланишга эътиборни янада кучайтириш масалалари борасида ишламоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг бориши, икки мамлакат ўртасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

**Суратда:** қабул пайти

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

**9 январь куни Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов икки кунлик расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Меҳмон Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашиб, минтақавий хавфсизлик, икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.**

**Шу куни Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Ташқи ишлар вазирликларининг йиллик ҳамкорлик дастури ҳамда Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Москва давлат халқаро муносабатлар институти (Университет) ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатларга А.Комилов ва И.Иванов имзо чекди.**

**Ўзбекистон ва Россия ташқи ишлар вазирликлари яқин ҳамкорликда ишлаб, мамлакатларимизнинг ўзаро сиёсий муносабатларини, халқаро сиёсат майдонидаги ҳамжиҳатлигини мувофиқлаштириб келмоқда. Эндиликда кадрлар алмашиш, биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш имконияти ҳам туғилди. Зеро, мазкур университетларнинг иккаласи ҳам ўзи жойлашган мамлакатдаги ташқи сиёсат маҳкамасига қарашли бўлиб, асосан халқаро муносабатлар ва дипломатия соҳасида фаолият юритадиган мутахассислар тайёрлайди. Томонлар бу икки илм масканининг ҳамкорлиги тез орада самара беришига ишонч билдирди.**

■ (ЎзА)

## BU DUNYONING ISHLARI

### «6+2» НИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ

**«6+2» гуруҳига аъзо давлатлар вакиллари келаси ҳафта Кобулда учрашув ўтказмоқчи.**

Учрашувда Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Эрон, Покистон, Тожикистон ва Туркманистон вакиллари иштирок этади. Улар Афғонистон иқтисодини тиклашда муваққат ҳукуматга ёрдам кўрсатиш масалаларини муҳокама қилади.

### АЙБЛОВНИ РАД ЭТМОҚДА

**Жанубий Африка Республикаси(ЖАР)да Исроил ва Фаластин вакилларининг учрашуви бошланди. Тадбирда ЖАР Президенти Табо Мбеки ҳам иштирок этмоқда.**



Уч кунга чўзиладиган ушбу анжуманда Исроил — Фаластин тинчлик музокараларини тиклаш масалалари муҳокама қилинади.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янада чигаллашувининг сабабчиси бўлган — Қизил денгизда қўлга туширилган қурол-аслаҳа можароси ҳали ҳам давом этмоқда. Исроил адлия вазири Меир Шитритнинг фикрича, бу қуроллар ортилган кема Фаластин жангариларига тегишлидир. Фаластин раҳбари Ёсир Арафот бу ишга бевосита алоқадор, деди у. Бироқ, Фаластин томони Исроилнинг айбловини рад этмоқда.

### КОИДЗУМИ САФАРГА ЧИҚДИ

**Япония Бош вазири Дзюнитиро Коидзуми Жануби-шарқий Осиё давлатлари бўйлаб сафарга чиқди.**



У Филиппин, Малайзия, Таиланд, Индонезия ҳамда Сингапурда бўлади ва ушбу давлатлар раҳбарлари билан минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокара ўтказади.

Сафардан сўнг эса, яъни 21-22 январь кунлари Япония пойтахтида Афғонистон иқтисодини тиклаш масаласига бағишланган халқаро анжуман ўтказилади. Унда элликдан ортиқ мамлакат ҳамда халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда.

### ДОРИ-ДАРМОН ТАҚЧИЛЛИГИ

**Аргентиналиклар иқтисодий кризис оқибатида вужудга келган қийинчиликлар етмагандай, энди тиббий дори-дармонларнинг етишмовчилигидан ҳам жабр кўришмоқда.**



Молиявий беқарорлик натижасида барча савдо шаҳобчалари, шу жумладан, дорихоналарда ҳам маҳсулотлар АҚШ долларида нархланади. Уларнинг баҳоси эса кундан-кунга кўтарилиб бормоқда. Ҳукумат дорихоналарнинг бундай фаолиятини «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» тўғрисидаги қонунни бузганликда айблаб, сиқувга олган. Мамлакатдаги кўпгина шифохоналарда энг зарур — камқонлик, рак, юрак, СПИД каби касалликлар учун дори воситаларининг етишмаслиги аянчли ҳолдир.

Дори-дармон ишлаб чиқарувчи компаниялар, агар ҳукумат ҳамда маҳаллий суғурта компаниялари бўйинларидаги улкан қарзларини тўламас экан, мамлакатда бу соҳада вазият ўзгармайди, дея таъкидлашмоқда.

### ЯГОНА ВАЛЮТАНИНГ ҚАДАМИ

**Евро зонасидаги мамлакатлар учун қутлуғ келмоқда, деб хабар беради Bloomberg. Буни шу давлатлар бўйича ўтказилган сўровнома хулосаси ҳам кўрсатиб турибди.**



Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ишончлилик кўрсаткичи ўтган ойга нисбатан 98.6 даражадан 98.8 даражагача кўтарилган. Еврокомиссия евро зонасига кирган 12 мамлакатдаги 25 минг истеъмолчи ва 50 мингдан ортиқ тадбиркорлардан олинган сўровномага асосланиб шундай хулосага келди.

Мутахассислар буни янги валютанинг Европа мамлакатлари иқтисодиётига ижобий таъсирининг бошланғич белгиларидир, дея баҳолашмоқда.

**Internet хабарлари асосида тайёрланди**

## ЧОЙХОНАНИ ДУНЁ БИЛАДИ...

Яқинда Бельгиянинг Кортрейк шаҳри консерваторияси залида ўзига хос тадбир бўлиб ўтди. Бу ерда мазкур шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан янги мустақил давлатларнинг совғабоп маҳсулотлари ва тасвирий санъат асарларининг кўргазма-савдоси ташкил этилди. Унинг ташкилотчилари Ўзбекистонни ушбу тадбир иштирокчилари рўйхатига киритибгина қолмай, мамлакатимизга унинг асосий қатнашчиси сифатида ёндашдилар.

— Ушбу тадбирда ўн йилдан зиёд вақтдан бери менинг қадрдон шаҳрим билан қардошлик ришталарини боғлаган мамлакатингиз пойтахтининг вакиллари иштирок этаётганидан жуда хурсандман, шунингдек, Кортрейк хиёбонларидан бирини безаб турган ҳайкал — ўрта асрнинг буюк мутафаккири ва тиббиёт илми султони Абу Али Ибн Синонинг ватандошларини қутлашдан бениҳоя мамнунман, — деди ўз нутқида шаҳар ҳокимининг маданий масалалар бўйича ўринбосари Стефан Браль.

У, шунингдек, тўпланганлар эътиборини таниқли ўзбек рассоми Баҳодир Жалолов яратган кенг қамровли бадиий панноларга қаратиб, бу асарларнинг иштирок этаётгани тадбирга алоҳида мазмун бағишлагани ҳамда уларда Ўзбекистон халқи маданий оламининг чуқур маънавий жиҳатлари моҳирона тасвирланганига қаратди.

Тадбирнинг расмий қисми ниҳоясига етиб, савдо-кўргазма иштирокчилари қабул маросимига таклиф этилганида жаноб Браль ўзбек тилида «Энди чойхонага юринглар» дея лутф қилди. Шунинг ўзи ҳам мамлакатимизга, унинг халқи ва тилига бўлган қизиқиш ҳамда ҳурмат қандай эканлигидан бир далолатдир.

■ **Жўра ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон» АА. Брюссел.**

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ СЕМИНАР

Навоий вилоят ҳокимлиги ёшлар маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, вилоят Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорликда Навоий шаҳридаги қурилиш касб-ҳунар коллежида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ўқитувчиларининг ўқув-услубий семинарини ўтказди.

Семинар иштирокчилари бўлмиш вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовинлари ҳамда шу фан ўқитувчилари Навоий тиббиёт коллежининг олий тоифали ўқитувчиси Юлдуз Баратова, Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» санъат касб-ҳунар коллежининг олий тоифали ўқитувчиси Қамбара Мустафаева, Навоий техника коллежининг 1 тоифали ўқитувчиси Шоҳиста Эшқобулова ҳамда НДПИ қошидаги академик лицей ўқитувчиси Мирзоҳид Собировларнинг маърузаларини тинглашди. Айтиш жоизки, иштирокчилар семинардан кўнгиллари тўлиб, нимадир олиб қайтишди, миллий истиқлол ғоясини янада теранроқ кашф этишди, уни ёшлар онгига сингдиришда янги услубларни ўртага ташлашди.

— Шунинг учун ҳам бу фан ёш авлод маънавий руҳини мустаҳкамлаб, она Ватанни севиш ва миллий қадриятларимизни авайлаб-асрашга даъват этади, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Б.Собиров.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

## ҚЎШАЛОҚ ҚУВОНЧ

Жойларда байрамларни қўшалоқ қилиб кутиб олиш одат тусига кириб бормоқда. Қувада ҳам янги супермаркетнинг очилиши байрам тароватини янада безади.

Энди қуваликлар бу ерда 850 турдан ортиқ кундалик эҳтиёж маҳсулотларини харид қилиши мумкин. Пештахталардан саноат, маиший хизмат, хўжалик моллари, гўшт, балиқ, қандолат, макарон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг бир неча турини топиш мумкин.

Шунингдек, супермаркет қошида бир кеча-кундузда икки тоннадан ортиқ нон ва булка, қандолат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган цех ҳам ишга туширилди. Харидорлар учун замонавий фитобар-кафетерий ташкил этилган.

■ **Нигора МИРЗАЕВА**

## ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Жиззахдаги «Дамир» хусусий корхонаси хорижлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатган. Вьетнамнинг «Авиасилк корпорейшн» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхонада пилладан тола ажратиб олинмоқда. Янги йилдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган корхонага мутахассислар катта умид боғламоқда.

Шунингдек, ўтган йилнинг кузида ишга туширилган «ЛРС ПЛАСТ» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси якунланган йилда 186,1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади ва янги йилдан 75-225 диаметрли газ ва сув қувурлари ишлаб чиқаришга киришди.

■ **Клара АБДУНАЗАРОВА**

## ШАХМАТЧИЛАР БАҲСЛАШДИЛАР

Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигининг «Оталар чойхонаси»да биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов хотирасига бағишланган шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг Узун, Сариосиё, Шўрчи ва Олтинсой туманларидан 60 дан ортиқ шахматчи иштирок этди.

— Мусобақа мана бир неча йилдирки, анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда, — дейди хўжалик бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев. — Мақсад ўзбек генерали руҳини шод этиб, кучли шахматчиларни тарбиялаш.

Мусобақа ғолиблари соврин ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

■ **А. ҲАЙДАРОВ**

ХДП ХАБАРЛАРИ

# ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, туман кенгашларининг котиблари, партиядан сайланган депутатлар, йирик бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Пленумда вилоят партия кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов «Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида» маъруза қилди.

Йиғилишда, маъруза юзасидан бўлган музокараларда, Яккабоғ туман партия кенгаши биринчи котиби Ш. Музаффаров, Қарши шаҳридаги 34-сон мактаб директори М. Қодирова, Миллий банкнинг Шаҳрисабз туман бўлими бошқарувчиси А. Каримов, «ҚашТЕКС» акциядорлик жамияти раиси ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти котиби Ж. Раҳмонов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Д. Аллаев қатнашдилар.

Шунингдек, пленумда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, «Шўртаннефтегаз» унитар шўъба корхонаси раҳбари О. Муродовнинг депутатлик фаолияти ҳақидаги ахбороти тингланди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

✧ ✧ ✧

Ғузор тумани Мели Раҳмонов номли хўжаликда сайловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, «Шўртаннефтегаз» унитар шўъба корхонаси раҳбари О. Муродов билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда депутат Олий Мажлиснинг еттинчи сессияси якунлари ҳамда Ўзбекистонда парламент ислоҳотининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил гапирди.

✧ ✧ ✧

ХДП Самарқанд вилоят кенгаши вилоят ҳокимлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Вилоят партия кенгаши ва ҳокимлик вакилларидан иборат тарғибот — ташвиқот гуруҳлари ўз ишларини бошлаб юбордилар. Шундай гуруҳлардан бири, мазкур партия кенгаши биринчи котиби бошчилигида, Пахтачи туманидаги Гулистон, Раймқул, Ҳакимқул, Санчиқул, Поёни Гумбаз, Истиқлол, Амир Темур ва бошқа маҳаллаларда йиғилишлар ўтказди. Ушбу йиғилишларда «Зарафшон» газетаси муҳаррири Ф. Тошев, Самарқанд кооператив институти молия-кредит факультети декани муовини Г. Абдураҳмонов, вилоят прокуратураси ходими О. Мирзаев, вилоят ички ишлар бўлими вакили М. Қаршиев, Самарқанд тумани 1-сон давлат нотариуси Р.Нуралиевалар аҳолидан тушган саволларга жавоб бердилар.

✧ ✧ ✧

Бешариқ туманидаги «Гамбай» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти негизида кўргазмали очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ижроия бюроси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Кун тартибидаги масала — «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси қарорларини ўрганишда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар» ҳақида ХДП Бешариқ туман кенгаши биринчи котиби А. Ёқубов маъруза қилди. Йиғилишда сўзга чиққан партия фаоллари С. Тоштемиров, М. Ҳамидов, К. Полвонов, А. Алибердиев, Н. Раҳмоновлар партия аъзоларининг фаолияти ва мамлакатимиз қонунчилигига киритиладиган муҳим ўзгаришлар умумхалқ муҳокамасига қўйилганлигидан мамнун эканликларини таъкидлаб ўтдилар.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Тошлоқ туман кенгаши, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда, «Қарияларни қадрлаш йили»-га бағишланган, маданий-маърифий тадбир ўтказди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, туман ҳокими С.Мирзаев фахрийларга парламентнинг еттинчи сессиясида кўрилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар тўғрисида сўзлаб берди.

Шунингдек, тадбирда ХДП Фарғона вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раиси У.Бегматов сўзга чиқиб, ёш авлодни тарбиялашда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда фахрийларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбир сўнггида фахрийларга совғалар топширилди ҳамда «Райҳон» номли халқ ансамбли жамоаси йиғилганларни концерт дастури билан хушнуд этди.

✧ ✧ ✧

ХДП Гулистон шаҳар кенгашида, «Парламент ислоҳоти — Ўзбекистонда демократия тараққиётининг янги босқичи» мавзуида, бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинари бўлиб ўтди.

Семинарда ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг биринчи котиби Қ.Юсупалиев парламент ислоҳотининг моҳияти тўғрисида батафсил тушунча берди.

✧ ✧ ✧

2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилиниши муносабати билан «Қувасойчинниси» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва бошланғич партия ташкилоти ҳамкорликда эътиборли ташаббус билан чиқдилар. Корхонада ишлаб, нафақага чиққан барча фахрийларга, қўшимча равишда ҳар ойда нафақа берилиши белгиланди.

Шунингдек, Қувасой шаҳридаги кам таъминланган бир нечта оилаларга ҳам худди шундай имтиёзлар берилди.

Корхона маъмурияти ва бошланғич партия ташкилоти Фарғона шаҳридаги «Қариялар уйи»га ғамхўрлик қилишни ҳам ўз оталиғига олдилар.

✧ ✧ ✧

Косон туманидаги «Шомурод ота» хусусий фирмаси раҳбари, Халқ демократик партияси фаоли Жомурод Алламуродов олаётган даромадларининг кўп қисмини хайрли ишларга сарфламоқда. Фирма маблағи ҳисобидан юзта ўқувчига стипендия тўланмоқда. Кам таъминланган саксонга яқин оилага ҳар ойда фирма маҳсулоти тарқатилмоқда. Бундан ташқари, Гувалак, Оқсалла, Ушоқтепа қишлоқларининг йўллари корхона маблағлари ҳисобига таъмирланиб, асфальт қилинди.

✧ ✧ ✧

ХДП Ҳамза туман кенгаши, «Авиасозлар бозори» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда тумандаги 206-мактабда, «Оналар ва болалар» йилига бағишланган, маданий-маърифий тадбир ўтказди. Ушбу тадбирда мактаб ўқувчиларига Янги йил томошалари намойиш этилди ва совғалар ҳадя қилинди.

✧ ✧ ✧

ХДП Сергели туман кенгаши, туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда, кичкинтойлар учун, «Ёш томошабинлар театри» актёрлари иштирокида, арча байрамини ташкил этди.

Шунингдек, «Туфин» қўшма корхонаси ҳомийлигида, тумандаги уч юздан ортиқ болалар мазкур театр томошаларига таклиф қилинди.

**■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

# БОШИНГДА ТОМИНГ БЎЛСА-Ю...

*Ҳурматли «Ўзбекистон овози» таҳририяти!*

*Сизнинг байрам кайфиятингизни бузмоқчи эмас эдик. Аммо ўз уйимизда — ёмғир остида ўтириб байрамни кутганимиздан кейин сизни безовта қилишга мажбур бўлдик.*

*Мана бир неча йилдирки, биз Шайхонтоҳур тумани, марказ-14, 8-уйда яшовчиларнинг ёмғир ёки қор ёғди дегунча на уйқумизда ҳаловат бўлади, на яшашимизда. Томдан ўтган чакка туфайли уйдаги зах гоҳ ўзимизнинг, гоҳ фарзандларимизнинг саломатлигига таъсир қилиб келмоқда. Бундан ташқари чакка ўтавериб, харобага айланган хоналар эрта-индин бошимизга тушиб кетмасмикин, деган таҳликада яшаймиз. Тўғри 2-3 марта ЖЕК кўмагида (ўз ҳисобимиздан эса неча марта) том таъмирланди, аммо улар ямаб кетишганидан 2 кун ўтар-ўтмас яна чакка ўтаверади. Бу борада бормаган жойимиз, кирмаган эшигимиз қолмади. Айни пайтда бизнинг уйга қарайдиган ЖЕК ширкат хўжалигига айлантирилди. Афсуски хўжа Али — Али хўжа. Биз ширкатдан кўмак сўрасак, «борадиган жойингизга бораверинг, бизда ҳеч қандай материал йўқ» дея жавоб беришяпти.*

*Ҳозир бизнинг бошимиз қотган, кимдан ёрдам сўрасак экан?*

*Бизнинг оёғимиз етмаган жойга, сизнинг овозингиз етади деб, сизга умид боғлаймиз.*

**Чексиз ҳурмат билан**

**8-уйда яшовчилар номидан: Ҳ. АҲМЕДОВА, М. МУСАЕВА**

# ОТАХОНЛАР ИЗЗАТДА



***2002 йил — «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан кўп жойларда бўлгани сингари пойтахтимиз маҳаллаларида ҳам турли тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Мирзо Улуғбек туманидаги «8-Бўз» маҳалла қўмитаси узоқ йиллар ижтимоий фойдали меҳнат қилиб, эл назарига тушган отахон ва онахонларни Янги йил байрами билан ўзига хос табриклади.***

✧ ✧ ✧

**Суратда:** маҳалла оқсоқоли Мирзаали Жўраев 71 ёшли Зуҳир ота Маҳмурзаевга байрам совғасини инъом қилмоқда.

**■ А. АБАЛЯН олган сурат**



***Бекободдаги «Бекободдон» корхонасида халқимиз дастурхонини сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ун тайёрлаш, уни қадоқлаш ишлари яхши ташкил қилинган. Ҳар сменада 18-20 тоннагача ун қадоқланмоқда. Маҳсулотнинг харидоргирлигини ошириш мақсадида тайёр маҳсулот тегишли лабораториялардан ўтгандан сўнг истеъмолчиларга юборилмоқда.***

✧ ✧ ✧

**Суратларда:** *1. Лаборант Мадина Аҳмедова буғдой сифатини кўздан кечирмоқда; 2. Илғор ун қадоқловчи Турғун Абдуллаев.*



**■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ИСТИҚЛОЛ, ИМКОНИЯТ, ЮТУҚЛАР

# ҲАЁТИЙ ВА ҲАҚҚОНИЙ ДАЛИЛЛАР СОЛНОМАСИ

*Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамияти доирасида қатор жабҳаларда тутган ўрни ортиб бораётганлиги, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий тараққиётда эришаётган ютуқлари МДҲдагина эмас, балки узоқ хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шуни назарда тутиб «Меҳнат» нашриёти ўзбек ва инглиз тилларида С.Ғуломов, Р.Убайдуллаева ва Э.Аҳмедовлар муаллифлигидаги «Мустақил Ўзбекистон» китобини нашрдан чиқарди.*

*Китобнинг дастлабки саҳифаларида мамлакатимиз рамзий тимсоллари — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси берилганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. «Муҳим саналар» бобидаги бой маълумотлар ётнинг асосий тармоқлари — саноат ва қишлоқ хўжалиги, уларнинг ихтисослашуви ҳамда ривожланиш даражалари батафсил ёритилган. Бу борада, айниқса, республика саноати ва аграр соҳадаги ютуқлари кўрсатиб берилганлиги эътиборга лойиқдир. Жумладан, мамлакатда ёнилғи-энергетика мажмуининг ривожланиши, экспорт салоҳиятининг ошиши, мамлакатимизда нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мустақилликка эришилганлиги туфайли уларни четдан олиб келадиган мамлакатдан четга чиқарадиган мамлакатга айланганлиги далиллар орқали кўрсатиб берилган.*

*Сўнгги йилларда саноатнинг тармоқлар таркибида катта ўзгаришлар юз берди, жумладан, Асака ва Самарқандда автомобиль ишлаб чиқарадиган заводлар қурилиб, ишга туширилди. Шу билан бирга мамлакат саноати тўғрисида фикр юритилганда унинг рангли металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноатлари, уларда яратилган ижобий ўзгаришлар ҳам батафсил баён қилинган.*

*Республика аграр ишлаб чиқаришида пахтачилик етакчи тармоқ бўлиши баробарида шоличилик, боғдорчилик, узумчилик, ипакчилик, чорвачиликнинг ривожланиши қай йўсинда эканлигини ҳам шу китобдан билиб олиш мумкин.*

*Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва аҳолининг турмуш даражасини кўтаришда транспорт инфратузилмаси катта аҳамиятга эга. Айни вақтда миллий иқтисодиётни, ҳудудий меҳнат тақсимотини ҳаракатга келтирувчи омил ҳам транспортдир. Шулардан келиб чиққан ҳолда муаллифлар бу масалада эътиборли фикр юритадилар.*

*Маълумки, таълим тизимига ажратиладиган сарф-харажатлар ҳажми бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг етук мамлакатларига яқинлашиб бормоқда. Бу масаланинг ҳам китобда ўз аксини топганлиги ва бунга оид қизиқарли маълумотлар келтирилганлигини алоҳида ижобий баҳолаш лозим.*

*Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон эндиликда курраи заминнинг нуфузли мамлакатларидан бирига айланиб бормоқда. Китобнинг «Ўзбекистон ва жаҳон» деб номланган бўлимида Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан оғишмай, комил ишонч билан олға бораётганлиги, сиёсий-дипломатия ва бошқа соҳаларда ҳам жаҳон мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни олиб боришга оид масалалар яхши ёритилган.*

*Республиканинг иқтисодий алоқаларида иштирок этаётган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқдаки, бундай муносабатларнинг натижалари ижобий куртаклар ёза бошлаганлиги алоҳида таъкидланган. Буни китобдаги жадвал маълумотлари ҳам исботлаб турибди.*




*Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, қулай инвестиция маконини яратиш, хорижий мамлакатлар иштирокида қўшма корхоналар қуриш, халқаро туризм соҳасини тўғри йўлга қўйишнинг муҳим аҳамият касб этиши, бунинг учун республикада зарур имкониятлар мавжудлиги ва улардан оқилона фойдалана билиш кераклиги ҳақида яхши фикрлар илгари сурилган.*

*...ҳам муштарийларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.*

*Китоб мундарижаси мазмунан ва мантиқан тўғри тузилган. Юртимизнинг ўзига хос табиий шароити, бой табиий заҳиралари фактлар асосида очиб берилади. Зеро, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва халқ турмушини яхшилаш кўп жиҳатдан табиий шароит ва табиий бойликлардан самарали фойдаланишга боғлиқ. «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши» деб аталган қисмида шу мавзуга оид масалалар ва барча вилоятлар бўйича зарур расмий маълумотлар келтирилган.*

*Аҳоли моддий ва маънавий бойликлар яратувчиси, айни вақтда уларни истеъмол қилувчи эканлигини эътиборга олиб, муаллифлар республикамиз аҳолиси ва демографик вазияти каби масалаларга ҳам алоҳида тўхталганлар. Китобнинг ушбу бўлимида демографик жараёнлар, аҳоли сонининг ўсиши ва ҳудудлар бўйича жойлашуви, аҳоли туғилиши ва ўлими, ёш ва жинсий таркиби, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва бошқа масалаларга доир аниқ, қизиқарли маълумотлар берилган. Мамлакат аҳолиси 25 миллионга етганлиги ва бу борада Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўриндалиги кўрсатиб ўтилган. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, унинг миллий тузилиши, миграция ва урбанизация жараёнларига ҳам эътибор қаратилган.*

*Китобда миллий иқтисодиётнинг ...*

*Китобнинг сўнгги бўлими «Хорижликлар Ўзбекистон ҳақида» деб номланган бўлиб, унда мамлакатимиз Президенти ақл-заковати туфайли амалга оширилган катта бунёдкорлик ишлари, шаҳарларимизнинг гўзаллашганлиги, халқимизнинг меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги борасида хорижликлар томонидан айтилган ажойиб фикрлар китобхонда ғурур уйғотади.*

*Шундай қилиб, ўзбек ва инглиз тилларида нашрдан чиққан «Мустақил Ўзбекистон» китобида республика ҳаётининг барча жабҳалардаги ривожи, ўтиш даврида эришган ютуқлари ҳаққоний далиллар асосида ифодалаб берилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.*

**■ Абдусами СОЛИЕВ, география фанлари доктори, профессор, Озод ОТАМИРЗАЕВ, география фанлари доктори, профессор, Умматали СУЛТОНОВ, иқтисод фанлари номзоди**

# ТУБАНЛИК

СУД ОЧЕРКИ

Тонг отди. Майин, оромбахш шабада дашт гиёҳлари, райҳон ҳидини димоққа гуп-гуп уради. Темир дарвоза ортидаги ариқ суви жилдирар, гоҳо-гоҳо шаҳар этагида итлар ҳурар... Ҳар кун бу ҳолат такрорланади. Вақт ўтади, ой алмашади... Кўкда тариқдай сочилган юлдузлар бугун ҳам жуда олислаб қолгандай. Кечагина баҳор гиёҳлари ҳидини олиб қочган ўша шабада бугун танани жунжиктиради, бақатераклар, азим чинорлар барглари асов дарёдек шовуллайди. Аммо... буларнинг барчасидан баҳра олиш ҳаммага ҳам насиб этмаган. Ақли заиф, касалманд ногиронлар ўз қариндошларига бегона, кимларнингдир меҳри ва парваришига муҳтож. Ана шундай кемтик қалблар паноҳ топган жойлардан бири — Қоракўлдаги «Мурувват уйи»дир.

Шаҳарнинг кунботарида шундай уй борлигини ҳамма ҳам билмайди. У шаҳардан анча баландда жойлашган. Бу ерда на мусиқа садоси, на қийқириқ, кулги эшитилади. Ҳамиша сукунат, аҳён-аҳёндаги мунгли ингроқдан юрак увишади. Аммо бу ерда ишловчиларнинг кўзи қотган, санитарлар имо-ишорасига ўрганган юздан зиёд беморлар эса ўзидан ўтганини ўзи билади...

Бир гал йўлим тушиб «Мурувват уйи»га бордим. Ичкарига кириш мен ўйлагандек осонмас экан. Туман ҳокимлиги вакили Ф.Беҳбудов ҳамроҳлигида бу ердаги ўзига хос тўсиқларнинг мағзига етдик. Икки қаватли бино. Атрофи дарахтзор, ҳаммаёқ сувсизликдан чўллаган. Директор хонаси биринчи қаватда экан, башанг. Дахлиз қалин поёндоз, дераза ромлари атрофи эса сунъий гуллар билан безалган. «Мурувват уйи» соҳиби Усмон Холлиев мақтанишдан толмайди: «Ана бу кутубхонамиз, бу ҳакимлар хонаси, бу ювиниш хонаси, бу ерда ногиронлар телевизор кўришади... бир мақтаб ёзасиз-да, ака!»

Беморлар ётган хоналарни кўрсак, деган таклифимга директор кўнмади: нима қиласиз кайфингизни «кўр» қилиб, уларнинг ақли заиф, гапиролмайди, девоналар-да! Сўзимда қатъий турдим. Иккинчи қаватга кўтарилганимизда димоғимизга сассиқ ҳаво урилди. Санитарлардан ўзини олиб қочган беш-олти киши эски тўшакларда ётар, хоналар ҳавоси тозаланмаган.

Директор мулзам бўлди. Ошхонада столлар гул билан безатилган, қозонда эса ёвғондан бошқа нарса йўқ. Дори-дармон, кўрпа-тўшакдан сўраманг. Ўшанда у бизга на ҳокимлик, на вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ёрдам беради, ўзимиз елиб-югуриб аравани юритяпмиз деганди. Аравани Усмон Холлиев қандай юритгани хусусида эса кейинроқ ҳикоя қиламиз.

«Мурувват уйи»га асосан эркаклар қабул қилинади. Унда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ногиронлар меҳр, шифо ва парвариш топиши керак. Ҳамма харажат эса давлат ҳисобидан. Шунинг учун ҳам бу муассасага раҳбар бўламан деганлар сон мингта. У. Холлиев 1998 йилнинг кузида кимларнингдир тавсияси билан бу ерга раҳбар бўлиб келди. Ахир у олий маълумотли шифокор: Гиппократ қасамёдини билгувчи эсли-ҳушли одам. Бунинг устига ёши 31 баҳорни қаршилади. Маоши етмаса қўшимча касби ҳам бор — тўйларни бошқаради, адабиётга «ўч»лигини айтмайсизми? Унча-мунча текширувчини шеър билан сеҳрлайди-қўяди. Касалларга, қолаверса, юздан зиёд киши ишлайдиган жамоага бунақа «истеъдод эгаси» асқотади-ку! Пешонанг ярқираган экан ука, ишла энди.

Гоҳ-гоҳ тақдирнинг бу иноятига шукрона айтади. Ахир, ҳар куни ҳар хил ошхонада ўтиради, ейди-ичади, улфатчилик. Атрофидагилар омон бўлсин, пиёда юрмайди. Ногиронлар қазо қилса, элтиб қўйишади. Борига кўнишмай иложи йўқ, бечораларнинг.

Қоракўлликлар «қўй оғзидан чўп олмайдиган» бу йигит икки йилдан кейин шайтонга дарс берадиган, иблисни жиловлаб миниб оладиган даражага етишини қаердан билсинлар?!

«Аравани каллали одам юритади-да». Бу директорнинг узунқулоқ гапларга жавоби эди. Аммо у ҳамма вақт ҳам ишлар силлиқ кетаверади, деб ўйлаганди. Қачондир кимдир келиб унинг башарасини очиши, ниқобини йиртиши мумкинлигини билмасди. «Мурувват уйи»нинг молия-хўжалик фаолиятига доир ҳужжатлар тафтиш қилинганда директорнинг тубанликка юз тутгани аён бўлди. Ярим миллион сўмлик талон-торож борлиги кўзга яққол ташланди. 7 киши — масъул шахслар одил суд олдида директор билан ёнма-ён туриб жавоб бердилар. Далиллар, далиллар сўзлайди энди.

2001 йилнинг 13 январида У.Холлиев ўринбосари Шавкат Бекмуродов номига ёзилган 8-сонли ишонч хати орқали когонлик хусусий тадбиркор Н. Сайфуллаевдан 10 минг дона 150 минг сўмлик ғишт сотиб олади. Уни «Мурувват уйи»га кирим қилмасдан бошқа бировларга сотади. Бу жиноятини хаспўслаш учун ғиштнинг бир қисми корхона эҳтиёжи учун, қолгани эса вафот этган ногиронлар қабрига терилди, деб расмийлаштиради. Бу пасткашлик эмасми?! Оғзи ширин бўлган бу нопок раҳбар орадан анча вақт ўтиб, 28 февралда яна шу ўринбосари номига ишонч хати ёзиб улгуржи савдо бозоридан рақамсиз юк хати билан олинган 342 минг сўмлик 280 метр қувурни ўз эҳтиёжига ишлатади. Аммо бу қувурлар «Мурувват уйи»ни газлаштириш учун ишлатилганлиги ҳақида сохта далолатнома тузиб қўяди. Бу иймон куйса куйсин, қозон қайнасиннинг ўзгинаси эмасми?!

Гадой бир эшикдан ўтгунча экан. Нафси ҳакалак отган директор тубанлик ботқоғига янада чуқурроқ кира бошлайди. У ўша усул билан «Равшанбек» хусусий дўконидан 76140 сўмлик икки минг дона бир марта ишлатиладиган тиббиёт шприцларини олиб, Бухоро бозорида пуллайди. Ана аравани юритиш усули! Ўзини ўйлайвериб, корхонани эсдан чиқарган бу нопок раҳбар муассасанинг бўғзигача қарзга ботишига сабабчи бўлди. Унинг лоқайдлиги оқибатида ўтган йиллар давомида «Мурувват уйи» 15 та ташкилотдан 3 миллион 353,5 минг сўмлик қарздор бўлди.

Бошлиқ еса омбор мудири қараб турадими? Албатта йўқ. Директордан «ўрнак» олган омбор мудири Оллоёр Ирназаров тап тортмай ногиронлар насибасига чанг солди. У қарийб 194 минг сўмлик гуруч, ўсимлик ёғи, нон, томат сингари озиқ-овқат маҳсулотларини талон-торож қилади. Ногиронлар эса булка нон, макаронли овқатдан бошқа нарсани кўрмаганлари бунинг исботи эмасми? Ахир ҳар куни ногиронлар учун 1,5 килограмм чой, 7 килограммдан зиёд шакар, 2,9 килограмм қуруқ сут, 80,8 килограмм картошка ҳамда туз, ун, макарон сарфланиши даркор. Директорнинг таъбирича, ногиронларнинг аксарияти «тилсиз»да! Еганинг қолади қабилида иш тутган ёрдамчи ҳисобчи Нодира Тўхтаева, тиббий ходим Азим Ражабовлар ҳам юқоридаги ғаламислардан қаерлари кам? Улар ишдан бўшаб кетган Ўғилой Расуловани «қайта ишлатиб» икки ойда 13061 сўмни ўзаро «арра» қилишади. Булардан хабардор бўлган бош ҳисобчи ҳам қуруқ қолгани йўқ.

— Ҳа, кимки вафо қилса вафо, жафо қилса жафо топқусидур, — дейди ушбу жиноят ишини кўрган Олот туман жиноят ишлари судининг раиси Дилбар Қурбонова. — Шайтонга сабоқ берган бу кимсалар қилмишига яраша жазоларини олдилар. Лекин ҳали уларнинг охирати не кечади? Виждонлари олдида қийналиб-қийналиб ҳисоб беришлари аниқ.

Шу ўринда бир савол туғилади. Наҳотки республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бухоро вилоят ижтимоий таъминот бошқармасидагилар кадрларни танлашда адашган бўлсалар?! Ишончни суиистеъмол қилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатларга бефарқ бўлинса?! Қоракўлдаги мазкур «Мурувват уйи» машмашалари доғ бўлиб қолди. Нима бўлганда ҳам оддий хизматчидан тортиб мансабдор раҳбаргача — барча-барча ақл-идрок, инсоф-диёнат, адолатга таяниб ҳаёт кечиргани маъқул.

**■ Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## АФҒОНИСТОНГА ЁРДАМ

Франция ҳукумати Афғонистонга махсус делегация жўнатди. Делегация аъзолари Афғонистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари вакиллари билан учрашиб, икки мамлакат ўртасида ушбу соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари юзасидан музокаралар олиб борди.

Мамлакат мудофаа вазирлиги вакили Жан-Франсуа Бюро эса Афғонистонда хизмат қилаётган француз ҳарбийлари сонини 450 нафарга етишини айтди. Унинг билдиришича, яқин кунларда Афғонистонга яна 250 нафар ҳарбий жўнатилиши кутилмоқда.

XORIJDA

## МУНОСАБАТЛАР ҲАНУЗГАЧА ЧИГАЛ



Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳ расмий Деҳлининг яқин ўртада Покистон билан ўзаро келишмовчиликни бартараф этиш бўйича музокара ўтказиш нияти йўқлигини билдирди. Ўзи бошқараётган мамлакатда экстремистик ташкилотларга қарши етарли даражада курашмаётган ҳукумат билан қандай қилиб музокара ўтказиш мумкин, дейди вазир.

Поқистонда айтилаётган гаплар эса бунинг акси. Бир неча кун олдин Парвез Мушарраф Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр билан бўлган суҳбатда, расмий Покистон янги антитеррористик дастурни амалиётга жорий этгани ҳақида гапирганди. Буни кейинги 10 кун ичида 300 га яқин террорчилар қўлга олинганлигида ҳам кўриш мумкин, деганди ўшанда у.




Шунга қарамасдан отишмалар давом этмоқда, вазият эса ўша-ўша. Аҳоли Кашмирни ёппасига ташлаб чиқмоқда.

## ТВ-6 АКЦИЯЛАРИГА ХАРИДОР



**Таниқли бизнесмен Борис Березовский ТВ-6 телекомпаниясининг ўзига тегишли акция пакетини TPG Aurora инвестицион фондига сотиш бўйича музокаралар олиб бормоқда, дея хабар қилади The Financial Times газетаси.**

**Маълумки, ушбу телекомпанияга киритилган сармоянинг асосий улуши Березовскийга тегишлидир. Ўтган йилнинг декабридан буён тадбиркорга фонд директори Макс Щербаков томонидан ушбу таклиф тушаётган эди. Ниҳоят, Березовский бу битимга ўз розилигини билдирди. Аммо, ҳозирча сотувга жами акциясининг 75 фоизини, яъни 140 миллионлик қисмини қўймоқчи. Шунда ҳам унинг қўлида яна 60 миллион сўмлик акция қолади.**

**Эслатиб ўтамиз, TPG Aurora инвестицион фонди телевидение бизнеси бўйича Россияда етакчи ўринда туради.**

ОҒРИҚ

## ОРОЛНИ ҚУТҚАРА ОЛАМИЗМИ?

Орол денгизининг қуриши ўзининг кўлами ва оқибатлари жиҳатидан шу даражада чигалки, унинг ечими хусусида бирон-бир аниқ фикрни топиб айтиш олиму мутахассислар учун ҳам анча мушкул.

Бинобарин, ҳозирги кунда энг оғир дардга чалинган, аҳён-аҳёнда зўрға нафас олаётган «хаста» денгиз «муолажаси» хусусида шу қадар кўп ва хилма-хил фикрлар баён этилмоқдаки, уларни эшитган ҳар қандай энг иқтидорли мутахассис ҳам гангиб қолиши ҳеч гап эмас.

Кимлардир, умуман Орол денгизини кўрмаган, фақатгина катта анжуманларда, телевидение ва матбуотда эшитиб, ўқиганлари асосида, кимлардир қандайдир бир асоссиз маълумотлар, кимлардир ўз ақли етганича фикрларини билдирмоқдаларки, буларнинг сон-саноғи йўқ. Аслида бу борада баҳслар бўлиб турганини ҳам яхши, булар Оролнинг «касали»га тўғри ташҳис қўйишда асқотади.

Орол, Орол дарди, Орол фожиаси, Орол муаммоси ва ҳоказо сўзлар пайдо бўлганига ҳам кўп йиллар бўлди. Оролни қутқаришга бағишланган юзлаб нуфузли кенгашлар, бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилди, шу кеча-кундузда Оролни қутқаришга мўлжалланган ташкилотлар мавжуд. Бу ишлар учун миллион-миллионлаб маблағ сарфланмоқда. Сон-саноқсиз мулоҳазалар, таклифлар бўлмоқда, аммо Оролнинг дарди кундан-кунга оғирлашиб, қум саҳроларининг ҳажми соат сайин ортмоқда.

Ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида республикамизнинг бутун суғориладиган ерларига ишлатиладиган химиявий ўғитлар, гербицидлар, айниқса, пахтага сепилган заҳарли дефолиантларнинг ҳаммаси ер ости сизот сувлари билан Амударё ва Сирдарё орқали Орол денгизига бориб чўкма сифатида ўрнашиб, ҳозирги кунда Орол сувининг қуриши натижасида кучли шамоллар таъсирида ҳавога кўтарилиб, атроф-муҳитни, қолаверса, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, инсонларни заҳарламоқда, ерлар шўрланмоқда, сувлар яроқсиз ҳолга келмоқда.

Хўш, Орол фожиаси шу билан чегараланиб қоладими ёки бошқа оқибатларга ҳам олиб келадими? Ҳа, олиб келади. Денгиз қуриши натижасида янада даҳшатлироқ воқеалар содир бўлиши мумкин.

Бу қандай офат бўлиши мумкин?

Республикамиз ҳудудида жойлашган Қизилқум воҳасининг 25 миллион гектарга яқин қисми қумликлардан иборат. Шундан 5 миллион гектардан ошиғи хавфли, 1 миллион гектари эса кўчманчи қум барханларидан иборатдир, бу хавфли кўчманчи қумлар 1940 йилларгача ушбу воҳада кучли шамол бўронлари тез-тез такрорланиб турганлиги, кўчманчи қумлар шамол йўналишига қараб доим ҳаракатда бўлганлиги боис, ўша пайтларда бу воҳада аҳолининг аниқ бир жойни макон айлаб яшаши ёки деҳқончилик қилишининг имкони бўлмаган.

Амударё, Сирдарё қум босиши оқибатида бир неча маротаба ўз ўзанини ўзгартирган. Варахша, Вардонзе каби тарихий обидаларга бой шаҳарлар қум остида қолиб кетганлиги бизга тарихдан маълум. Чунки Қизилқум воҳаси республикамизнинг 70 фоизга яқин майдонини эгаллайди. 1924 йилдан бошлаб бу даҳшатли талофатларнинг олдини олиш мақсадида қум барханларининг ҳаракатини тўхтатувчи тадбирлар ишлаб чиқилиб, уни бажарувчи ўрмончи гуруҳлар ташкил қилинган, аста-секин бу гуруҳлар Қоракўл, Тўрткўл ва Шофиркон ўрмон хўжаликларига айлантирилиб, уларнинг бирдан-бир асосий вазифаси кўчиб юрувчи қум барханларини тўхтатишдан иборат бўлган. Ўша пайтларда минглаб туя, отларда кўллар атрофларида ўсувчи юлғун ва қамишларни юзлаб километрларга ташиб қум барханлари атрофларига механик тўсиқлар қўйиб, тўсиқлар атрофига чўл ўсимликлари ҳисобланган саксовул, черкез, қандим каби табиий ҳолда ўсувчи чўл ўсимликлари уруғидан ва қаламчасидан кўпайтириб, жуда катта қийинчилик билан аста-секин чўл ўрмонзорлари барпо қила бошлаганлар. Бу иш шу қадар оғир ва машаққатли кечганки, айни қаҳратон қиш изғиринида бу ишларни бажаришга тўғри келган.

Ўрмончиларимизнинг машаққатли ва тинимсиз меҳнатлари натижалари 1960 йилларга келиб ўзининг ижобий самарасини бера бошлаган. Сабаби кўчманчи қум барханлари аста-секин ям-яшил ўрмонзорлар орасида қолиб, қумлар ўрнида ҳосилдор ерлар вужудга келган. Аҳоли яшайдиган қишлоқлар сони кўпая бошлаган, «колхозлар» тузилиб, янги ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик экинлари ва пахтачиликни ривожлантиришга имконият пайдо бўлган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг бир қисми асосан қумли ҳудудлардан иборат бўлиб, республикамизнинг қишлоқ хўжалиги экинлари, ғалла ва пахтачиликнинг ҳам асосий қисми шу ҳудудларда етиштирилиши бизга азалдан маълум.

Демак, бу вилоятлар ҳудудларидаги бир пайтлар катта офат ўчоғи ҳисобланган қум барханлари ота-бобо ўрмончиларимиз саъй-ҳаракати билан барпо этилган чўл ўрмонлари туфайли барҳам топди.

Афсуски, ҳозирги кунда Орол денгизининг қуриши натижасида Қизилқум воҳасидаги қум барханлари ям-яшил ўрмонзорларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса Оролдан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, ўтмишдаги турли офат, талафотларни келтириб чиқариши мумкин. Ястаниб ётган 5-6 миллион гектардаги қум барханлари қайта ҳаракатга келса, буни ҳеч бир куч тўхтата олмаслиги ва республикамиз иқтисодига катта зарар етказиши мумкин.

Бу офат қандай содир бўлиши мумкин ва унинг сабаблари нимада?

Денгиз суви қуриган майдонлардан кўтарилган юз миллион тонналаб заҳар-заққум чанг-тузлар атроф-муҳитни заҳарламоқда, ерларни шўрлатмоқда.

Бу биринчи навбатда Қизилқум воҳасига, ундаги ўсимлик дунёсига ўз таъсирини ўтказмоқда. Аслида ер юзидаги ўсимлик дунёсининг 80 фоиздан кўпроғи табиий ҳолда кўпаяди, қолган қисми эса инсон қўли билан яратилади.

Оролдан кўтарилаётган тузлар Қизилқум воҳасидаги ўсимликларни айни гуллаган пайтида устига ёғилмоқда, натижада гуллар уруғламасдан қуриб тўкилиб кетмоқда ва табиий кўпайишига катта таъсир қилмоқда. Шуни унутмаслик керакки, табиатда ўсимликларнинг табиий кўпайиши камайса бу катта талафотдир.

Агар вазият шу тахлитда давом этаверса, чўл ўрмонлари қуриб қолиши натижасида тинч ётган қум барханлари қайта уйғониши ва яна ҳаракатга келиши, пахтачиликка, қишлоқ хўжалиги экинларига, аҳоли яшайдиган ҳудудларга, катта-катта иншоотларга кутилмаганда талафотлар етказиши мумкин.

Биз фақат Қизилқум воҳаси билан боғлиқ бўлган мисолни келтирдик, холос. Аммо бошқа ҳудудларда ҳам бўлаётган бундай таъсирлар натижасида турли хил салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

**Демак, Орол фожиасининг олдини олиш мумкинми?**



Бутун ер юзида ўсимлик дунёсини кўпайтирмасдан, борини асраб қолмасдан туриб ҳеч вақт экологик муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Чунки ўсимлик, ўрмонзорлар, бу тоза кислород ва тоза сув, қисқаси, ҳаёт дегани.

Мамлакатимиз кам ўрмонли ҳудудлардан ҳисобланади, аммо тоғ ва чўл ўрмонзорларининг шу қадар аҳамияти каттаки, бу республика тақдирини ҳал қилувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Биз ўрмончилар, Орол денгизи суви қуриган майдонларда 1990-2000 йиллар мобайнида олиб борган изланишларимиз натижаси шуни исботладики, Орол денгизи фожиасининг олдини олишда фақат икки йўл бор.

Биринчи йўли — Оролни сувга тўлғазиш. Аммо бунинг ҳозирча иложи йўқ.

Иккинчи йўли — аниқ синалган йўл, денгиз суви қуриган майдонларни, заҳар туз кўтарилаётган ерларни тезлик билан ўша шароитга мос чўл ўсимликлари экиб, яшил ўрмонзорларга айлантиришдан иборат.

Бу иккинчи йўл энг ишончли ва Оролни асосан атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсирини бутунлай тўхтата оладиган йўл.

Биз ўрмончилар буни ўн йил мобайнида тўлиқ синовдан ўтказдик.

Жамоамиз 1990 йилдан бошлаб, ота-бобо ўрмончиларимизнинг ўтган аср бошида Қизилқумни жиловлашдаги тажрибасига суяниб, айни Оролнинг қуриб ётган еридан синов ишларини бошладик. Ўша ернинг тупроқ шароитида ўсадиган саксовул, черкез, қандим каби чўл ўсимликлари уруғидан ва кўчатидан битталаб қайта-қайта экиб, катта майдонларда кўпайтирдик.

Бир пайтлар суви қалқиб ётган Орол тубида ҳозирги кунга келиб 120 минг гектар ерда ям-яшил, бўйи 5-6 метр келадиган саксовул ўрмонзорлар барпо қилинди ва бу иш яна давом эттирилмоқда.

Янги барпо қилинган ўрмонзорлар туфайли, миллионлаб тонна заҳарли чанг-тузларнинг бу ердан ҳавога кўтарилиши тўхтади. Бу минглаб гектар унумдор ерлар заҳарланиб, шўрланишининг олди олинди деганидир.

Чўл ўсимликлари — саксовул, черкез, қандимлар сувсиз, 50-60 даража иссиқликда ҳам ям-яшил бўлиб ўсадиган мўъжизавий ўсимликлардир. Асосан чўл ҳудудларида ўрмон барпо этиш учун миллионлаб кўчат етиштирилади, юзлаб тонна чўл ўсимликлари уруғлари тайёрланади. Минг-минглаб куб метр қамишлар қирқилиб, ҳар бир кўчатни эккандан кейин уни шамол учириб кетмаслик учун ёнига механик тўсиқ қилиб қўйилади. Бу ишлар асосан ноябрь, декабрь, январь, февраль, мартда — айни изғиринли ойларда ертўлаларда ётиб бажарилади. Иш бажариладиган ерлар аҳоли яшайдиган ҳудудлардан 150-200 км. узоқликдадир. Кучли шамол, чанг, тузлар доимий равишда бўлиб турганлиги сабабли, ишчи-мутахассислар оғиз-бурунларини дока билан боғлаб ишлашларига тўғри келмоқда. Шундай бўлса ҳам ўрмончиларимиз ҳар йили 15 минг гектардан ошиқ майдонда (Оролнинг қуриган тубида) ўрмонзорлар барпо этмоқдалар.

Энди масаланинг иккинчи томони. Савол туғилади: инсонлар соғлиғига катта таъсир қилаётган, ерларга туз бўлиб ёғилаётган, нафас орқали инсонларда кутилмаган хасталикларни келтириб чиқараётган асосий манба — бу Орол денгизи суви қуриган майдонлардан кўтарилаётган дефолиант, заҳарли чанг-тузлар эмасми? Асосий заҳарни тарқатаётган манбани тўхтатмасдан туриб, у ердан кўтарилаётган, кўзга кўринмай устимизга ёғилаётган ажал заррачалари тешигини беркитмасдан туриб, ҳар хил мулоҳазалар қилиш, вагонлаб дори-дармон ташиш, миллионлаб АҚШ долларларию сўмлар сарфлашдан қанчалик фойда келиши мумкинлигини ўйлаб кўриш вақти келмадимикан?!

**Биз, ўрмончиларнинг таклифлари қуйидагилардан иборат.** Оролни сувга тўлғазиш — бу хомхаёл бўлиши мумкин, чунки сув ҳозирги кунда ўз эҳтиёжимиз учун етишмаяпти. Унинг йўли фақат битта, чангиб ётган майдонларни тезлик билан яшил воҳага, яъни ўрмонзорларга айлантириш ва фақат шу синалган амалий ишга ўтиш, ўрмончиларга барча шароитларни яратиб, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, техника, маблағ масаласини етарли миқдорда ҳал қилиб, бу ишга давлат миқёсидаги асосий масала сифатида ёндошиш, у ерда барпо қилинаётган ўрмонзорлар ҳажмини бир неча баробарга кўпайтириш ва қуруқ яйловларни яшил майдонга айлантиришни тезлатиш учун барча чораларни кўриш лозим, деб ўйлаймиз.

Чунки Орол суви қуриган майдоннинг 1 млн. 300 минг гектарга яқини республикамиз ҳудудига тўғри келади, шу майдоннинг 600 минг гектарга яқин ҳудудидан заҳарли чанг-тузлар ҳавога кўтарилиб, атроф-муҳитни заҳарлаётгани аниқ. Агар ҳар йили 15 минг гектардан ўрмон барпо қилинса, демак, 600 минг гектарни 40 йилда тугатиш мумкиндир, бунча йил мобайнида Оролнинг қандай салбий таъсири бўлишини юқорида таъкидладик. Шу сабабли, ҳар йили суви қуриган денгиз тубида ишлаш учун барча шароитларни яратиб 15 минг гектар ўрнига, ҳар йили 30 минг ва ундан ҳам ошиқ майдонда иш бажарилишини таъминлаш ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир.

**Иккинчидан:** ҳозирги кунда салбий таъсирнинг олдини олиш учун қўшимча энг муҳим зарур тадбирий чоралардан бири — барча суғориладиган, яъни қишлоқ атрофларида камида ҳар 300-400 метр оралиқда 4-6 қатордан иҳота дарахтзорларини барпо этиш лозим. Чунки бу тадбир аниқ режа, лойиҳа асосида кўнгилдагидай амалга оширилса, эвазига катта миқдорда ҳосилдорлик ошади, бу илмий асосланган ва синалган тадбир. 1970 йиллардан бошлаб барпо этилган катта-катта майдонлардаги иҳотазорлар айрим масъул кишиларнинг эътиборсизлиги натижасида кесилиб, йўқолиб кетган.

Бизга маълумки, баландлиги 1 метр келадиган иҳота дарахтлар ўзидан орқада экилган 10 метр ердаги экинларни ҳар қандай табиий офат, чанг-тўзонлар, иссиқ гармсел шамоллардан асрайди, агар иҳота дарахтларининг баландлиги 15-20 метр бўлса 150-200 метр ва ундан ошиқ майдондаги қишлоқ хўжалиги экинларини ҳар хил офатлардан, ҳаттоки занг касалини бир даладан иккинчи далага ўтишининг олдини олади. Ер ости заҳ сувларининг кўтарилиши камаяди, ер намини сақлайди, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, иссиқ гармсел шамоллар кучи камаяди.

Ҳозирги кунда иқлимнинг йилдан-йилга салбий томонга ўзгариши ҳамда жуда кўп вилоятларда июль, август ойларида эсаётган кучли иссиқ гармсел шамоллар натижасида катта миқдорда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги кескин камаймоқда, шунинг учун ҳам иҳота дарахтзорларини кўпайтиришга қанчалик тезроқ киришилса, бу тадбир келажакда ўз мевасини беради.

**Учинчидан:** Қизилқум воҳасида 150 минг гектарга яқин майдонда Бухоро «яшил қалқони»ни барпо қилиш ҳамда Орол денгизи тубида ўрмонзорлар яратиш бўйича олиб борилаётган тадбирларни катта миқёсда амалга ошириш учун давлат инвестиция дастурига бу масалани ҳам киритиш зарур. Бу борада республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинса, мақсадга мувофиқ иш бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги таклифлар қўллаб-қувватланса ва инобатга олиниб, амалга оширилса, Орол фожиасининг бартараф қилинишида ижобий ўзгаришларга эришилади.

■ **Шермуҳаммад ЮСУПОВ,**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

## ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИ

Инсоннинг табиат қонунларига аралашуви алалоқибат Ер шарида кескин иқлим ўзгаришини вужудга келтирмоқда. Афсуски, бу ўзгариш катта талофатлар эшигини очган. Бу Европа иқлимшунос олимларининг фикри эди.



Греция кейинги 40 йил ичида биринчи маротаба қор билан қопланди. Афинада қорнинг қалинлиги 1 метргача етди. Европа мамлакатларининг кўпчилигида ёққан қалин қор қийин вазиятларни келтириб чиқармоқда. Австралия ўрмонлари жазирама ёнғин остида. Россияда ҳарорат кескин тушиб кетди. Туркияда эса аҳвол янада оғир.

Мана иккинчи ҳафтадирки, Туркия ҳам изғирин совуқ аралаш қалин қор билан курашиб келмоқда. Фавқулодда ҳолат хизмати, ҳарбийлар бу ишга тўлиқ жалб этилган. Кўпгина қишлоқлар электр энергиясидан узилиб қолган. Автомобиль қатнови йўқ.



Аммо, ҳаммага ҳам ёрдам беришнинг имкони бўлмаяпти. Шу вақтгача 11 нафар фуқаро совуқ уришидан ҳалок бўлган. Шуни айтиш керакки, уларнинг аксарияти ўз эътиборсизликлари туфайли ҳалок бўлган. Масалан, душанба куни пойтахтдан унча узоқ бўлмаган ерда қишлоқдаги қизидан хабар олиш учун пиёда йўл олган кекса кишининг жасади топилган.

Совуқ урушидан касалхоналар тирбанд. Кечанинг ўзида Истанбул марказий шифохонасига 300 дан ортиқ бемор қабул қилинган.

## ҚИММАТГА ТУШГАН БАШОРАТ

Машҳур фаранг ёзувчиси Жюль Верн 1865 йилда «Ердан Ойга» номли фантастик романини эълон қилади. Асарда улкан тўпдан отилган жисм ой томон учади, унинг ичида уч нафар одам ҳам бор. Ёзувчи Ер йўлдоши томон учирилган кема, ундаги инсонлар тақдири, Ойдаги кўриниш, умуман кўп хаёлот ва нисбатан реаллик аралашган ажойиб роман ёзган. Энг қизиғи, асарда илк бора кема учирилган маскан ҳам ёзилган. Яъни, «жой 0 даража ва 28 даража шимолий ва жанубий кенглик орасида» деб кўрсатилган.

Орадан роппа-роса 104 йил ўтгач — 1969 йил 16 июлда АҚШнинг Канаверал ҳудудидаги космодромдан «Аполлон-11» фазовий кемаси учирилди. Кема учган манзил фантастик ёзувчи башорат қилган айни 28 шимолий кенглик яқинида жойлашган. «Аполлон-11» фазовий кемасида ҳам Жюль Верн асарида ёзилганидек уч астронавт бор эди. Булар Армстронг, Олдрин ва Коллинзлар (Парвоздан сўнг улар Тинч океанига қўнадиларки, бу ерда уларни крайсер кутиб турганди. Асарда эса кичик кема деб кўрсатилган).

Жюль Верн асарда илк бора самога инсон эмас, балки мушук учишини — синовдан ўтишини башорат қилган. Ҳақиқатда эса илк бора ит самога учириб кўрилган.

Яна бир қизиқ томони: маълумки, Америка қитъасини Христофор Колумб биринчи бўлиб очганди, орадан 477 йил ўтгач, илк бора Ойга йўл олган фазо кемаси ичидаги астронавтларга йўл-йўриқ бериб турган, уни учиш марказидан туриб бошқарган инсоннинг исм-шарифи ҳам — Христофор Колумбдир.

Умуман олганда америкалик олимлар бу машҳур лойиҳада ёзувчи фантазиясидан кўп фойдаланишгани ҳақиқатга яқин. Аммо, улар асарда бу учиш осънгина амалга ошганини, ҳақиқатда эса башоратнинг баҳоси қанча бўлишини ҳали аниқ билишмасди.

«Аполлон-11»нинг Ойга учиш режасини амалга ошириш учун 400 минг киши саккиз йил меҳнат қилди. Бу лойиҳанинг қиймати 24 миллиард долларга тушди. Илк бора Ойга учаётган астронавтларни кузатиш учун ярим миллион киши космодромга келган.

Ниҳоят 1969 йил 20 июль куни Нью-Йорк вақти билан соат 23 дан 17 минут 42 секунд кечганда... Нейл Армстронг кема кабинасидан чиқиб Ой юзасига илк қадамини қўйди.

Астронавтлар Ойда бор-йўғи икки соату қирқ минут бўлишган. Аммо, ана шу сафарнинг ҳар секунди ўттиз минг долларга тушган. Агар бўлиш вақтини секундларга тақсимласак, роса 9600 секунд бўлади. Энди шуни ўттиз мингга кўпайтириб кўринг. Ёки астронавтлар Ой юзасидан олган жами 33 килограмм оғирликдаги тупроқ ва бошқа элементларни Ерга омон-эсон келтиришнинг ўзига салкам бир миллиард доллар сарфланган.

Умуман «Ой эраси»га қанча катта маблағ кетган бўлса-да, бу инсон заковатининг гултожи ҳамда инсониятнинг ўзга сайёраларга парвози дебочаси сифатида тарихга кирди.

Аммо савол туғилади: Орадан ўттиз йилдан ошиқ вақт ўтди, фан-техника беқиёс даражада ривожланди, лекин ўзга сайёраларга инсон нега учмаяпти?

«Ойга саёҳат» ёзувчи хаёлотидагидек осон эмас экан. Маълумки, «Аполлон» икки мустақил кема йиғиндиси эди. Унинг Ой юзасига қўнадиган бўлаги — «Колумбия»нинг оғирлиги салкам саккиз тонна эди. Ҳисоб-китоблар бўйича кема Ой юзасига қўнаётганда бир томонга 35 даража оғса — тамом — астронавтлар абадий Ой фуқароси бўлиб қолишга маҳкум эдилар. Агарда инсон Ойда ердагидан кўра олти марта кўп бўлган оғирликни кўтаришини инобатга олганда ҳам икки кишининг 8 тонналик кемани тўғрилашга қурблари келмасди. Ой теварагида айланаётган, ичида Коллинз бўлган асосий кема ёрдамга кела олмасди. Тўғри, бундай «кутилмаган вазият» учун «тез ёрдам» космик кемаси ерда ҳозирлаб қўйилганди. Аммо, учиш, орбитага чиқиш, Ойга етиб олиш ва қўниш учун бу кемага роса 102 соат фурсат керак бўларди. «Колумбия»да эса астронавтлар учун бор-йўғи 43 соатга етадиган кислород, энергия ва озиқ-овқат заҳираси бор эди, холос. Кема дарғаси Нейл Армстронгнинг моҳирлиги, кемани Ой юзасига қўндираётганда автоматик бошқарувдан қўл бошқарувига ўтилиши ва ҳар бир сантиметрни аниқ ҳисоб-китоб қила олишигина ҳалокатга йўл қўймади...

### ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Фантаст ёзувчи асарида хаёл қилган башорат ҳар қалай қийинчилик билан бўлса-да, амалга ошди. Аммо, кейинги — бу воқелик арафасидаги машҳур олимнинг башоратлари нега ҳамон амалга ошмаяпти?

Принстон университети профессори, машҳур олим Д. К. Онейл физик ҳисоб-китобларга асосланиб, «Ердан ташқарида одамлар яшайдиган маконлар» лойиҳасини ишлаб чиқди.

Онейл яратган лойиҳага кўра, гўёки 1996 йилда коинотда камида 200 минг киши яшаши керак эди, 2008 йилда эса уларнинг сони 20 миллиондан ошиб кетиши лозим эди.

Турли-туман асарлар, киноларни қўя турайлик-да, кўпчилик олимлар томонидан маъқулланган ва ҳақиқатга яқин деб тан олинган профессор Онейлнинг моделларини олиб кўрайлик: унинг илк нусхасининг айланаси 100 ва узунлиги бир километрлик Ер йўлдоши бўлиб, унда ўн минг одам яшаши мумкин. Ниҳоят тўртинчи модел яратилади ва унинг узунлиги 6-7 километрга бориб, унда камида 20 миллион киши яшаши мумкин бўлармиш. Бу колонияларнинг ҳар бири алоҳида давлат мақомида бўлади ва улар ўзларига зарур бўлган энергияни қуёшдан ва бошқа сайёрлардан оладилар. Айни пайтда бу колонияларда ўсимлик ва зарур ҳайвонот олами ҳам бўлади.

Биринчи шундай колонияни яратиш учун 30 миллиард доллар сарфланади ва унинг учдан бир қисми Ой юзасида станцияни йиғиш учун зарур бўлган 400 минг тонна материалларни ташишга сарфланади. (Энди ярим халта Ой тупроғи баҳоси қанча бўлганини эсланг?)

Онейл шундай қилиб яна ўттиз-қирқ йилдан сўнг Ер аҳолисининг тўқсон фоизини ана шундай станцияларга кўчиришни башорат қилади.

Тўрт моделли фазовий колонияларнинг яратилиш муддатларини ҳам профессор аниқ кўрсатиб берган: 1988, 1996, 2002, 2008 йиллар...

Ахир, шўро давлати даврида миллардлаб маблағ сарфланиб, узоқ қурилган «Мир» станцияси (кичик бир станция!) тақдири нима бўлганини биламиз-ку. Уни сақлаб туриш учун маблағ йўқлигидан бир кунда океан қаърига чўктириб юборишди. Онейл эса улкан станция-колониялар ҳақида бош қотиради, ҳатто бунга ишонганлар олдиндан пул тўлаб, колонияларнинг «илк яшовчилари» ҳам бўлишга улгурадилар.

Айтмоқ бўлган гапимиз: нисбатан энг яқинимизда жойлашган само жисми — Ойдан ярим қоп тупроқ келтириш 24 миллиард долларга тушган экан... кўпгина башоратларнинг пучлиги, хомхаёллиги маълум бўладиқолади. Бу инсон заковатининг нақадар улуғворлиги-ю, шу қадар қўли калталигини кўрсатади.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

# ВАТАН СЎЗ СЎРАЙДИ

Ватан туйғуси, элу юрт мустақиллиги қалам аҳлидан, ижодкорлардан юксак, муносиб Сўз сўрайди. Ватан олдидаги узиб бўлмас қарздай, элу юрт наздидаги Бурчдай юксак Сўз. Ватан берилмайди, инчунин олинмайди ҳам. Она сути янглиғ муқаддас, она мисол табаррук ва бетимсол Ватан фарзандларнинг дилу жони билан бирга улғаяди, фазлу камол топади. Фарзандларнинг бахту камоли айни пайтда элу юртнинг ҳам камолидир.

Ватанимиз бу озод кунларга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Ҳуррият йўлида заҳмат чеккан, қон тўккан, жонларини фидо этган улуғ инсонларнинг ҳам назаргоҳидир бул Ватан. Юрт озодлиги йўлида фидо бўлган зотлар қонидан бино бўлган лолазорлар ҳам биздан Сўз сўрайди. Ким англаб, ким моҳиятини тўлақонли англолмаган илк қийинчилик йиллар ортда қолди. Ўтган ўн йиллик давр ичида Ватанимиз бор бўй-бастини жаҳон давлатлари аро озод кўрсата билди. Мамлакатимизнинг оқил ва узоқни кўра билгувчи пешволари чеккан заҳматлар, саъй-ҳаракатлар зое кетмаганини бутун инсоният кўриб билиб турибди.

Биз Ватанни муқаддас деймиз, тупроғини, гарду ғуборини кўзимизга тўтиё қилишга, жонимизни ҳам фидо қилмоққа тайёрмиз. Халқимизнинг бағри кенглиги, заҳматкаш ва ҳалоллиги етти иқлимларга овоза. Демакким, шундай элнинг шоирлари ҳам шу элнинг шаъну шавкати, ору номусига муносиб, лойиқ Сўз айтмоқлари лозим бўлади.

Ўзбек адабиёти, шеърияти — улуғ салафлар, устозларнинг назаргоҳидир. Миллат учун қурбон бўлган Қодирийлар, Усмон Носиру Чўлпонларнинг нигорон кўзлари ҳам биздан Сўз сўраётгандай... Элнинг шаъну ғururини ифодалайдиган, кўнглини мунаввар этувчи, эзгуликларга, юксак ватанпарварлик ва фидойиликка ундовчи, фарзандларга, ёш авлодга элу юрт, Ватан, улуғ зотларнинг заҳмату фидойилигини, тириклик ва ҳаётнинг қадру қимматини англатувчи, тушунтиргувчи ҳақиқий ва самимий сўзлар ва асарлар керак. Ёшлар шеърияти олдида зиммасида бугунги кунда айнан шу масъулиятли ва шарафли вазифа турибди.

Шу маънода Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида «Онажоним шеърият» адабий-бадиий тўгараги ташкил этилди. Тўгаракни тузишдан мақсад — шу элга, шу юртга хизмат қиламан деган қутлуғ ният билан қўлига қалам олган, бугунги кунда дадил ва баралла сўз айтишга ҳаракат қилаётган, илк китобларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилган ёш истеъдодли ижодкорларнинг бошини қовуштириш, устоз шоирларимиз, адибларимиз дарсхонасидан уларни баҳраманд этиш, янги-янги асарлар ёзишга руҳлантиришдан иборатдир.

Тўгарак машғулотлари маълум маънода маҳорат мактаби вазифасини ҳам ўтайди дея умид қиламиз. Сабаби машғулотларни бугунги адабиётимизнинг кўзга кўринган намояндалари, сўз тегирмонида пишган устоз адиб ва шоирларимиз ўтказишлари белгиланган. Тўгарак машғулотларига ёш шоирларнинг ижодий кечалари, мушоиралар, янги чиққан китоблар муҳокамаси ҳам киритилганки, бу тўгарак фаолиятини янада қизиқарли ўтишини таъминлайди деб ўйлаймиз. Машғулотларга барча ёш қаламкашлар, ҳаваскор ва ҳавасмандлар, шунингдек, адабиёт ва шеъриятга қизиқувчи ихлосмандлар таклиф этилади.

Тўгаракнинг илк танишув машғулоти 2002 йилнинг 23 январь куни соат 14.30 да ўтказилади. Бунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида ташкил этиган Олий адабиёт курси тингловчилари билан учрашув ҳамда мушоира ўтказилади. Машғулотда Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Хуршид Давронлар иштирок этадилар.

САБОҚ

**Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти» кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳотам Умрнинг «Таҳлил санъати», «Қўшқанот сеҳри», «Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги», «Бадиий ижод мўъжизалари», «Қаҳрамоннинг маънавий олами ва эпиклик», «Маънавият ва бадиият», «Адабиёт назарияси» каби 50 дан ортиқ монография, рисола, ўқув қўлланма, дарсликлари нашр этилган. Домланинг раҳбарлигида еттита номзодлик ва битта докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган.**

**Газетамизнинг фаол муаллифларидан бири Ҳотам Умр 60 ёшга тўлди. Биз уни етуклик палласи билан табриклаб, домланинг ижодий ишларига зафарлар ёр бўлсин, деймиз ва сизга яна бир сабоғини ҳавола этамиз.**



# АЗИЗ ОДАМЛАР

*Мустақилликка минг шукр! Ҳар бир киши учун ўзлигини англашга йўл-йўриқ берди. Ўзликни англаш жудаям қийин, жудаям оғир жараён. Ўзингни таҳлил этиш ва таниш кўпинча оғриқли кечади, шафқатсиз ҳақиқатни билганингдан сўнггина шайтоний нафсни енгишга киришасан. Шу кураш асосида одамийликка интиласан, қалбингда адолат ҳукмрон бўлади. Кўпга бахшидаликдан, покликдан, ҳалолликдан куч топасан, шуларсиз яшаш бемаънилик эканини чуқур англайсан, борлиғинг-да ҳис қиласан. Ҳаммамизга шу сабоқ, эш бўлсин!*

✧✧✧

*Талаба имтиҳон пайтида шпаргалка ишлатса, менинг наздимда, у хунук шогирдга айланади. Ҳаётий учрашувларда қанчалик гўзал, ўзига мафтун этадиган бўлмасин, бундай ҳолатда юзидаги қизиллиги оқаринқираб, нури сўнади. Илгари мен сезмаган сирлар очила бошлайди: ручка ушлаган қўл қинғир, турмакланган соч — беўхшов, оғиз — қийшиқ, қош-қовоқ — осилган, қулоқ — шалпайган, бурун жудаям чўзилиб кетгандек туюлади.*

*Демак, нопоклик одамни улуғламайди, балки айбларини жудаям бўрттириб кўрсатади. Покликка амал қилиш кўпга татийдиган инсоний ҳидни оламга ёяр, уни мунаввар этаркан! Ёруғлик тарқатиб яшанг, Одамлар!*

✧✧✧

*Инсон туғилди. Йиғлаб, унга муштоқ одамларни кулдириб дунёга келди. Бегуноҳ ва пок. Киндиги кесилгандан бошлаб, ўз тақдирига эга олам яралди. Ҳа, оламдан олам бунёдга келди.*

*Ўсгани сайин, улғайгани, яшагани сайин қарздорлиги ҳам ошиб борди. Яратганидан, ота-онадан, опа-сингил, ака-укадан, қавму қариндошдан, дўст-биродарлару устозлардан, қўни-қўшнилару танишлардан, табиат ва жамиятдан, замину осмондан... қарздор эканлигини чуқурроқ англаб бораверади ва бу қарзни узмасдан яшаш маъносиз ҳаёт кечиришга тенг эканини илғаб, тан олиб, чуқурроқ англаб ўсаверади...*

*Демак, қарзни узишга улгуриш — яхшиликларни қайтариш лозим.* ***«Эҳсон-яхшиликнинг жазоси — мукофоти фақат яхшиликдир»*** *(Изоҳ: яъни, ҳаёти дунёдан иймон ва эзгу амаллар билан ўтган кишининг охиратдаги мукофоти жаннатдир. Эҳсон калимасининг луғавий маъноси — чиройли амал қилмоқликдир) —* **Раҳмон (55) сураси, 60-оят.** *Бунга хиёнат қилиш — ўз умрига хиёнат қилишга олиб боради, жоҳилликка, сотқинликка, ёмонликка, гуноҳкорликка етаклайди. Тириклиги баракасиз ўтади. Ҳадисда айтилганидек, «Қарзини узмай дунёдан ўтган одам, то ўша қарзи узилгунча қабрида кишанланган ҳолда ётади». Шундай экан, қарзни узишга улгуриш лозим, одамлар!*

*Демак, инсонийликнинг барча маъноси эзгуликларда, яхшиликларда жамулжам эканини қанчалик эрта тушунсак ва чиройли амаллар қилмоққа киришсак, шундай яшаш ҳаёт тарзимизга айланса инсонларга, табиатга, жамиятга керакли одамга айланамиз. Шунга улгурган киши — дунёдан кулиб, одамларни эса йиғлатиб, янги оламга ишонч билан кетади.*

✧✧✧

*Саҳардан то шомгача қор ёғди. Ҳовлидаги ўрикларнинг, нарцисларнинг гуллари қорлар билан қопланди. Анчайин совуқ туша бошлади. Нарцис гулларидан бир қисмини узиб олдим, совуқ урмасин деб ва гулдонга солиб қўйдим... Эртасига қуёш чарақлаб чиқди, ҳарорат 20 даража бўлди. Кечгача қорлар эриб битди, ўрикларнинг гули бужмайганича қолди, нарциснинг гуллари бардошлик кўрсатдилар, сарвқоматларини тиклаб, кула бошладилар. Олам яна чароғон.*

*Кутилмаган совуқ, албатта, ишини қилди, чидамсиз, нозик гулларни, баландроқда очилган гулларни олиб кетди. Ерга яқинлари, манбаи кучлилари омон қолдилар.*

*Ҳа, ердан узоқлашмаслик, манбадан узилмаслик ҳам инсон омонлигининг гаровидир! Сизга омонлик бўлсин, одамлар!*

■ **Ҳотам УМР**




## INTER-SPORT

### ДАРВОЗАБОН — ЯРИМ ЖАМОА



Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси ўтказган анъанавий сўровга кўра, Мюнхеннинг «Бавария» клуби аъзоси Оливер Кан ўтган йилнинг энг яхши дарвозабони деб эътироф этилди. Россиянинг энг яхши футболчиси деб баҳоланаётган, ҳозир Италиянинг «Верон» клубида тўп сураётган Руслан Нигматулин эса бу борада кучли ўнликдан жой олди. Бу билан Руслан Ринат Дасаев, Дмитрий Харинлардан кейин учинчи дарвозабон сифатида кучли ўнликка кирди. Кан жами 265 очко тўплаган бўлса, ундан бироз орқада қолган колумбиялик Оскар Кордоб билан Италия ўйинчиси Жанлуиджи Буффон 2-3-ўринларни эгаллашди.

### АЙРИЛИҚ ВА ХИЁНАТ



Машҳур баскетболчи Майкл Жордан сўнгги марта ўз касбидан воз кечадиган кўринади. Унинг таъкидлашича, бундан буёнги ҳаётини турмуш ўртоғига бағишламоқчи. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, яна майдонга қайтган Майклнинг навбатдаги «қилиғи»дан кейин хотини Хуанита Жордан чидолмай, у билан ажрашишга қарор қилди. Бу эса 12 йиллик турмушга нуқта қўйиш эди. Бундай қараганда ҳаммаси ойдиндек кўринади. Зеро, Майкл четдан қараганда вафодор, ҳалол, пок кўрингани билан вақти-вақтида хиёнат ҳам қилиб турар экан. Хуанита эса унинг узоқ ва узлуксиз давом этадиган машқларию сафарларига ҳам чидаган эди. Хиёнатга эса дош беролмади. Эрининг орқасидан одам қўйиб, бу сўзларнинг ростлигига ишонди. Майкл эса: «Мен ўсмирлигимда қизлар билан муомала қилишга вақт топмас эдим. Эртадан кечгача майдонда қолиб кетардим. Зеро, кўнглимни бир чеккасида қани энди бир париваш менга ҳам эътибор қилса деган фикр ётарди», дейди.

### КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

**Бир киши иккинчисини «бегемот» деб ҳақорат қилди. Орадан уч йил ўтгач, у ҳақорат қилганни судга берди.**

**— Нима учун уч йилдан кейин судга мурожаат қилдингиз? — сўради судья.**

**— Кеча ҳайвонот боғига бориб, бегемотни кўргандим...**

✧✧✧

**Божхона пости ёнида машинани тўхтатдилар.**

**— Қурол-яроғ? Ўқ-дори?**

**— Йўғ-э, нима деяпсиз?**

**Юкхонани очдилар. «Калашников» ётибди.**

**— Бу нима?**

**— Калькулятор.**

**— Қанақа калькулятор? Мана, меники калькулятор, — деди назоратчи ёнидаги ҳисоблагични олиб.**

**— Э, сизнинг калькуляторингиз олдиндан ҳисоб-китоб қилиш учун, меники ҳисоб-китобни тугатиш учун...**

### ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Москванинг «Динамо» хоккей клуби президенти Сергей Сидоровский кутилмаганда истеъфога чиқишини маълум қилди. Бунга «динамо»чиларнинг кетма-кет мағлубиятлари сабаб бўлди. Айниқса, ўз майдонларида «Нефтехимик» ва «Ак Барс» жамоаларидан мағлубиятга учраши президентни ана шундай хулосага келишга мажбур этди.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ СИЗ АЗИЗЛАРНИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**2002 йил 28 январь куни соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:**

1. Зарафшон шаҳар, 19-даҳасида жойлашган:

— уй-жой қуриш учун 4 дона, майдони 400 кв.м бўлган ер майдонлари.

*Ҳар бирининг бошланғич баҳоси —22800 сўмдан.*

— Ёрдамчи хўжалик юритиш учун 4 дона, майдони 600 кв.м бўлган ер майдонлари.

*Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 34200 сўмдан.*

2. Навоий тумани Ибн Сино ширкат хўжалигида жойлашган:

— уй-жой қуриш учун 8 дона, майдони 400 кв.м бўлган ер майдонлари.

*Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 14000 сўмдан.*

3. Конимех тумани Ҳ.Олимжон ширкат хўжалигида жойлашган:

— уй-жой қуриш учун 2 дона, майдони 400 кв.м бўлган ер майдонлари.

*Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 8000 сўмдан.*

4. Нурота тумани автошоҳбекати шимолий қисмидан 600 кв.м ер майдони.

*Бошланғич баҳоси —37800 сўм.*

**2002 йил 29 январь куни соат 15.00 да Хатирчи тумани ҳокимлиги мажлислар залида ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:**

Хатирчи тумани А.Ҳалимов ширкат хўжалигида жойлашган уй-жой қуриш учун 13 дона, майдони 400 кв. м бўлган ер майдонлари.

*Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 8000 сўмдан.*

**2002 йил 11,12,14 февраль кунлари соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:**

1. Қизилтепа тумани, Тавоиз давлат хўжалигида жойлашган:

— уй-жой қуриш учун 4 дона, майдони 600 кв.м. бўлган ер майдонлари.

*Ҳар бирининг бошланғич баҳоси —18000 сўмдан.*

2. Қизилтепа тумани, Ўзбекистон ширкат хўжалигида жойлашган:

— уй-жой қуриш учун 2 дона, майдони 600 кв.м. бўлган ер майдонлари.

*Ҳар бирининг бошланғич баҳоси —18000 сўмдан.*

3. Қизилтепа тумани, Навоий ширкат хўжалигида жойлашган:

— уй-жой қуриш учун майдони 600 кв. м. бўлган ер майдонлари.

*Бошланғич баҳоси — 14000 сўм.*

4. Хатирчи тумани, С. Раҳимов номли маҳалла ҳудудида жойлашган:

— новвойхона қуриш учун майдони 37 кв. м. бўлган ер майдони.

*Бошланғич баҳоси — 2000 сўм.*

5. Хатирчи тумани, Амир Темур ширкат хўжалигида жойлашган:

— гўшт дўкони қуриш учун майдони 10 кв. м. бўлган ер майдони.

*Бошланғич баҳоси — 1000 сўм.*

6. Навоий тумани, Нарпай жамоа хўжалигида жойлашган:

— уй-жой қуриш учун 100 дона, майдони 400 кв.м. бўлган ер майдонлари.

*Ҳар бирининг бошланғич баҳоси —20000 сўмдан.*

Навоий вилояти Хўжалик суди томонидан хатланган мулклар:

1.«Артик чуян» деҳқон фермер хўжалигига қарашли «Молхона» биноси.

*Бошланғич баҳоси — 600 000 сўм.*

2. «Обод» хусусий фирмасига қарашли «Ерости артизан қудуғи».

*Бошланғич баҳоси — 1150000 сўм.*

3.«Навоий» хусусий фирмасига қарашли колбаса тайёрлаш цехи.

*Бошланғич баҳоси — 1850000 сўм.*

4. «Ғиёсжон» фермер хўжалигига қарашли К.Раҳимов ширкат хўжалигида жойлашган маъмурий бино.

*Бошланғич баҳоси — 22 000 000 сўм.*

5. Жисмоний шахсга тегишли 2000 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21099» русумли, давлат белгиси 20 М 56-99 бўлган автомашина.

*Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.*

6. Жисмоний шахсга тегишли 1991 йил ишлаб чиқарилган «МИЦУБИСИ ГОЛАНТ» русумли, давлат белгиси 14 D 00-73 бўлган автомашина.

*Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.*

7. Вилоят туз ишлаб чиқариш корхонасига қарашли «НЕКСИЯ» русумли, давлат рақами 21 АА 407 бўлган автомашина.

*Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.*

Давлат божхона қўмитасининг вилоят бошқармаси томонидан савдоларга қўйилган:

1. «МИЦУБИСИ» русумли автомашина.

*Бошланғич баҳоси —475000 сўм.*

2. «BMW» русумли автомашина.

*Бошланғич баҳоси —150 000 сўм.*

**2002 йил 11,12,14 февраль кунлари соат 16.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида ўтказиладиган танлов савдоларига қуйидаги мулк қўйилади:**

Хатирчи тумани ***«Пахтатозалаш»*** АЖга қарашли ***«Пахтаой»*** болалар боғчаси.

*Бошланғич баҳоси — 11 806 000 сўм.*

**Танлов савдоларидан объектни сотиб олишнинг шартлари:**

1. Объектнинг фаолият турини сақлаб қолган ҳолда ишни ташкил қилиш.

2. Объектни сотиб олгандан сўнг унинг фаолиятини маҳаллий ҳокимлик билан келишилган ҳолда юритиш.

3. Сотиб олинган обьектни қайта таъмирлаш ва хизмат кўрсатишни жаҳон талабларига мос равишда ташкиллаштириш.

4. Объектни ижарага беришда, сотишда янги харидор билан маҳаллий ҳокимлик ва Давлат мулки қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга ошириш.

**Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошланишидан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.**

Ер майдонлари бўйича ҳам харидорлардан аризалар қабул қилиш 3 кун олдин тўхтатилади.

**ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН МАНЗИЛ: НАВОИЙ ШАҲРИ, П.ОЧИЛОВ КЎЧАСИ, 24-УЙ. ТЕЛЕФОН: (43622) 4-15-61. ФАКС: (43622) 4-64-31.**

**Отделом Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг по г. Ташкенту на основании протокола общего собрания акционеров ОАО «ОПЫТНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЗАВОД» от 10.08.2001 г. и приказа Управления Госкомимущества по г. Ташкенту от 13.08.2001 г. № 1-273 к-ПО в проспект эмиссии ОАО «ОПЫТНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЗАВОД» № 14-1-69/Д-П от 18.04.98 г. внесены изменения и дополнения в следующем порядке:**

**Пункт 3.3. Раздела III читать в следующей редакции:**

**3.3. Перераспределение пакета акций акционерного общества согласно постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 09.03.2001 г. № 119**

| Всего | Гос. доля | Доля трудового коллектива | Доля иностранного инвестора | Доля свободной продажи |
|---|---|---|---|---|
| 100% | 25% | 9,8% | 25% | 10,2% |
| 21660 штук | 5415 штук | 2130 штук | 5415 штук | 8700 штук |
| 2166000 сум | 541500 сум | 213000 сум | 541500 сум | 870000 сум |

*Пакеты акций считать полностью размещенными. Настоящие изменения являются неотъемлемой частью проспекта эмиссии № 14-1-69/Д-П от 18.04.98 г.*

**НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ**

**ОАО «УЗТАЪМИНБУТЛАШ»**

доводит до сведения участников тендерных торгов, что по итогам тендерных торгов состоявшихся 14.12.2001г. фирма «TECHNOCABLE LIMITED» является победителем торгов.

Тошкент шаҳар Давлат мулки бошқармаси томонидан Каримов Раҳматали Эгамович номига 1993 йил 22 февралда №06-01/10120 рақами билан берилган мулкни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши Сирғали туман партия кенгашининг биринчи котиби Лола Исматовага падари бузруквори **Абдусамат ота АБДУКАБИРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «Ózbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan róyxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ózbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA